Ўзбекистон матбуот палатаси

Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 93 (8.828) ◆ 1996 йил ◆ 7 август, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Туманлар йўқламаси: ***Миробод***

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ — ҚЎЛЛАРИМИЗДА

Бахтиёр МАҚСУДХЎЖАЕВ, туман ҳокими

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини олиши ҳалқимиз қалбини чуқур ифтихор ҳиссиётуйғуларига тўлдирди.

Ўтган беш йил ўзига хос синов ва сабоқ мактабини ўтади.

Тўғри, қийинчиликлар ҳам бўлди, муаммолар ҳам. Шундай бўлса-да, халқимиз тушкунликка тушмади. Аксинча, ўзлигини кўрсатиш, намоён қилиш фурсати етганини ўз вақтида англаб, ақл-идроки, бой тажрибаси, қолаверса, билак кучи билан майдонга чиқди. Кўзлаган марралари сари дадил ҳаракатланди.

Айни чоқда дунёга донғи таралаётган давлатимиз тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлаб бормоқда.

Бу ҳолатни халқимизнинг турмушида рўй бераётган беқиёс ўзгаришлар, турфа янгилик ва куннинг муҳим воқеалари ёрқин исботлаб турибди. Кўз тегмасин, меҳнат қилган кам бўлаётгани йўқ. Тадбиркорларга барча имконият ва шароитлар яратилиб, қўллаб-қувватланмоқда.

Бизнинг Миробод туманимиз фаолиятидаги кўрсаткичлар ҳам бунга шоҳидлик беради. Ўтган ярим йилда туманнинг барча асосий корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилди. Бундайлар сирасига «Қизил тонг», «Фотон», «Ўзэлектроаппарат», «Ўзкимёфарм», «Учқун», «Тошкимёқишлоқмаш», «Ўзавтосозлаш», «Ватан диёри», «Тансиқ нон» жамиятларини киритиш мумкин. Айрим корхоналар эса жамоа корхоналарига ўзгартирилди. Булар «Моделлар уйи» ва «Каноп»дир.

Ўтган ярим йилда 35 та корхона хусусийлаштирилди.

Хусусийлашган корхоналардан тушган даромад 2,8

миллион сўмни, тарқатилган акциялар 5,9 миллион сўмни, акция дивидендлари 3,7 миллион сўмни ташкил этди.

Туманда тадбиркорлик фаолиятини тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йилнинг 1 июлига қадар туманда жами 4037 та тадбиркорлик тизими қайд этилган. Шундан 478 таси жорий йилнинг биринчи ярим йилида рўйхатга олинган (бундан 190 таси кичик ва 285 таси хусусий корхоналардир).

Туманда 32 та корхонада саноат маҳсулотлари мунтазам ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилнинг ярим йилида 1 миллиард 786 миллион сўмлик (ўтган ярим йилликка қараганда 125,7 фоизга кўп) маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бозор иқтисодиётига кўникиш мақсадида «Ўзэлектроаппарат», «Фотон», «Ўзтемирйўлтаъмирмаш», «Ватан диёри», «Қизил тонг», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни кабилар қувватини 20—40 фоизга оширишди. «Ўзкимёфарм» ва «Тошкимёқишлоқмаш» эса буни икки бараварга оттирди. Тикувчилик маҳсулотлари, ўсимликшуносликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги машиналари, кам қувватли аппаратуралар ишлаб чиқариш, тепловоз, трамвай ва троллейбус вагонларини таъмирлаш ишларининг салмоғи янада кўпайди.

Кейинги вақтда янги турдаги халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга талаб ва таклифлар сони тобора ортиб бормоқда. «Ўзэлектроаппарат»да «Осиё» электр дазмоли, меваларни қуритиш электр шкафи, «Фотон»да электртермометр, «Фотон — 401», «Фотон — 402» радиоприёмниклари, оққора тасвирли телевизорлар, электрпайвандлаш ускуналари, «Тошкимёқишлоқмаш»да газ билан ҳаракатланадиган автотранспортларга газ баллонлари, картошка экиш машиналари, сув пуркагич ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш авж олмоқда.

«Каноп интернейшнл» қўшма корхонаси биринчи ярим йилликда 247 минг метр ипгазлама матолари ишлаб чиқарди. «Ўзкимёфарм»да эса янги дори-дармонлар, жумладан аналгин, аллапенин экстракти, никотинли кислота қоришмаси, клофелин ва бошқа дориворларни кенг кўламда ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Туман ҳудудида жойлашган республика «Тошкент» фонд биржасида ҳозирда 133 та брокерлик идораси ишламоқда. Уларнинг савдо-ҳаракатлари билан қимматли қоғозлар бозори янада чаққонлашди.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Биржа марказининг биноси. Кимошиди савдоси ўтказиладиган зал замонавий компьютерлар билан тўла таъминланган.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сизни Оқ уйда кутиб олиш ва Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик чуқурлашаётганини тасдиқлаш мен учун шарафли иш бўлди. Мамлакатларимиз манфаатларига тааллуқли бўлган айрим муҳим масалалар бўйича суҳбатимиз ҳам менга алоҳида мамнуният бахш этди. Бинобарин, мен Сизнинг Ғарб билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга доир фаолиятингизда ҳар доим ёрдамга тайёрман.

Камоли эҳтиром ила,

Билл КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

Миллий боғда сайил

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ...»

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Миллий боғида «Ўзбекистон — Ватаним маним, маҳалла — масканим маним» мавзусида шаҳар маҳаллалар аҳлининг дам олиш сайли бўлиб ўтди.

Дастлаб боғнинг марказида шаҳримиз маҳаллалари оқсоқоллари, маҳалла хотин-қизлар кенгашларининг раислари иштирокида митинг бўлиб ўтди. Унда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси, Олий Мажлис депутати Шукур Темуров сўзга чиқиб, бугунги кунда жамиятимизда маҳаллаларнинг ўрни тобора ортиб бораётгани, у Ватан ичра Ватан эканлиги хусусида гапирди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова жамиятимиз равнақи йўлида хотин-қизларнинг роли тобора ошиб бораётгани ҳақида сўзлади.

Шундан сўнг маҳаллалар оқсоқоллари боғнинг бир томонида, хотин-қизлар эса иккинчи томонда дам олиш сайлини бошлашди. Сайил давомида бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Мухтор ҳожи Абдуллаев, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев ва бошқалар сўзга чиқишиб, жамиятимиздаги ижобий ўзгаришлар, маҳаллаларнинг бу борадаги фаол иштирокидан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Сайил сўнгида фидойи маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгаши раисларига фахрий ёрлиқ ва совға-саломлар топширилди.

Мажид РАИМОВ.

ИШЧИ ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг кенгайтирилган пленуми қатнашчилари уюшма фаолиятини янада кучайтириш, оммавий ахборот воситаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этиш, матбуот, радио ва телевидение фаолиятидаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиб, уюшма котибиятининг журналистлар уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма билан бирлаштириш тўғрисидаги қарорини маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви йиғилишида ҳам айни шундай қарор қабул қилинди.

Республика оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари, журналистлар уюшмаси, матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма раҳбариятининг қўшма йиғилишида уюшма пленуми ва жамғарма бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар маъқулланди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги демократик жараёнларни кучайтириш, мамлакатда тўла матбуот эркинлигини таъминлаш, журналистларни ижтимоий-сиёсий ва маънавий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашувчи ижтимоий-сиёсий, давлатга тегишли бўлмаган янги жамғарма тузиш таклифларини тайёрловчи ишчи гуруҳ тузилди.

(ЎзА).

БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Тошкент вилояти Уртачирчиқ тумани маркази — Тўйтепада Жанубий Кореянинг «Кабул текстайлз» компанияси билан ҳамкорликда 20 гектардан кўпроқ майдонда улкан тўқимачилик қўшма корхонасини барпо этиш ниҳоясига етмоқда. Йилига 20 минг тонна пахтани қайта ишлаш лойиҳа қувватига эга бўлган бу корхонани Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг 5 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

❑ Навоий вилоятида қорақўлчиликни ривожлантириш мақсадларида Томди ва Учқудуқ туманларидаги барча чорвачилик фермалари ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириляпти.

❑ Америкининг «Евроосиё» жамғармаси билан ҳамкорликда Наманган вилоятида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти асосларига ўргатиш дастури ишлаб чиқилди.

❑ Самарқандда «Ипак йўли» бизнес-инкубатори очилди.

❑ Тошкент вилояти ҳокимлигида тиббиёт муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

❑ Нукусдаги Бердақ номли давлат мусиқа театрида биринчи қорақалпоқ миллий балети — «Ойжамол» премьераси бўлиб ўтди.

❑ Индонезиянинг Тошкентдаги элчихонаси Акмал Икромов туманидаги «Меҳригиё» болалар клубига инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун Москвага расмий ташриф билан келадиган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан музокаралар ўтказади.

❑ Кеча ва бугун Грознийда Россия федерал қўшинлари билан шаҳарга бостириб кирган чечен сепаратчилари қуролли бўлинмалари ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Чечен сепаратчилари Грозний марказидаги ҳукумат идораларини эгаллашга интилмоқдалар. Ҳар икки томондан кўплаб қурбонлар бўляпти.

❑ Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов тожик муҳолифатчилари етакчиси Саид Абдулла Нурий билан учрашишга тайёр эканлигини билдирди. Лекин муҳолифатчилар етакчиси бундан аввал Тожикистонда миллий тотувлик кенгаши тузишни талаб этмоқда. Тожикистон маъмурлари бу талабни қатъиян рад этмоқдалар.

❑ Россияда бугунги кунда ходимларга тўланмаган иш ҳақи бўйича қарз 3,5 триллионга, пенсиялар бўйича қарз эса 6,5 триллион рублга етди. Шу сабабли мамлакатнинг қатор минтақаларида иш ташлашлар бўляпти.

ХОРИЖДА

❑ 12-30 август кунлари АҚШнинг Шимолий Каролина штатида НАТОнинг «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасида «Оспрей» кўпмиллатли машқлар ўтказилади. Унда 23 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон қуролли кучлари вакиллари иштирок этади.

❑ Парижда «Франция: «Ўзбекистонга сармоя йўлланади» китоби француз ва инглиз тилларида нашр этилди. Китоб Ўзбекистон бозорига сармоя ётқизиш истагида бўлган хорижий инвесторларга мўлжалланган.

❑ АҚШ Президенти Билл Клинтон Эрон ва Ливияни халқаро терроризмга ёрдам беришда айблаб, улар билан ҳамкорлик қиладиган компания ва фирмаларга иқтисодий жазо чоралари кўриш тўғрисидаги қонунни имзолади. Аммо бу ушбу давлатлар билан ҳамкорлик қилаётган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва Японияниинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

❑ Сомалида ҳалок бўлган генерал Ойдид лавозимини эгаллаган унинг ўғли мамлакатда муҳолифатчи қабилаларига қарши аввалгидек, ҳарбий куч ишлатилиши тўғрисида баёнот берди.

❑ Вашингтонда АҚШ Президенти билан Швеция Бош вазири ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Болтиқбўйи минтақасидаги вазият, хусусан Латвия, Литва ва Эстониянинг НАТОга аъзо бўлиш масаласи юзасидан фикр айирбошланди.

Ўзбекистон Кубоги

ЯРИМ ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Футбол бўйича Ўзбекистон Республика биллур Кубоги ўйинларининг 1/4 финал такрорий учрашувлари бўлиб ўтди.

Ушбу босқичдаги энг диққатга сазовор натижалардан бири — «Дўстлик» жамоасининг мамлакат миллий чемпионати пешқадами «Навбаҳор» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга биринчи бўлиб йўлланма олганлиги бўлди. «Пахтакор» — «Чилонзор» такрорий учрашувидаги натижа ҳам кўпчилик кутганидек бўлди — 4:1. Бу ўйинда пахтакорчи Собир Ходиев «хет-трек»ка эришди, у «Чилонзор» дарвозасига 3 та тўп йўллади. 4-тўпни эса Азиз Ҳошимов киритди. «Чилонзор» жамоасидан тўпни Алексей Жданов киритди. Қолган учрашувларда: «Нурафшон» — «Нефтчи» — 4:2, «Трактор» — МҲСК — 1:2 натижалар қайд этилди.

Биллур Кубок ўйинларининг ярим финал учрашувлари октябрь ойининг биринчи ярмида ўтказилади. Унда қатнашувчи жамоалар қуйидаги тартибда майдонга тушадилар:

«Пахтакор» — МҲСК

«Дўстлик» — «Нефтчи».

Беҳзод ЭГАМОВ.

АМАЛИЙ АНЖУМАН

Маълумки, шу йилнинг май—июнь ойларида «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идораларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга асосан маҳалла оқсоқоллигига навбатдаги сайловлар бўлиб ўтган эди.

Юнусобод тумани ҳокимлигида шаҳар маҳалла оқсоқоллари маслаҳат кенгаши ташаббуси билан биринчи марта сайланган оқсоқоллар учун амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни шаҳар маҳалла оқсоқоллари маслаҳат кенгашининг раиси Кабир Комилов кириш сўзи билан очиб, «Ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида маҳаллаларга раҳбарликни янада такомиллаштириш» мавзусида сўзлади. Сўнгра ушбу маслаҳат кенгаши аъзоси Қодир Фозилхўжаевнинг «Мустақиллик шароитида маҳаллаларнинг роли ва мавқеини янада ошириш ҳақида»ги Тошкент шаҳар Давлат назорат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Даврон Миртожиевнинг «Фуқароларга маҳалла орқали ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг долзарб вазифалари» ҳақидаги маърузалар ҳам тингланди.

Музокаралар давомида Чилонзор туманидаги Катта Чилонзор маҳалласи оқсоқоли Аскар Умаров, Шайхонтоҳур туманидаги Жарариқ маҳалласи оқсоқоли Абдусамад Маҳмудов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бунда асосан топонимия мавзуси, шунингдек маҳалла жамғармаси фаолиятининг сустлиги асосий мавзу бўлди.

Анжуман сўнгида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов сўзга чиқди.

Мурод РИХСИЕВ.

Истиқлол байрамининг асосий тантаналарини Мустақиллик майдонида нишонлаш анъанага айланган. Ҳозирда бу ерда улкан томошагоҳ қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Биз яқинда бош майдонда бўлиб, бу ерда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишдик.

Томошагоҳ қурилишида бир нечта ташкилотлар фаолият кўрсатишмоқда. Улар жумласига «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 12-трестнинг 20 ва 52-қурилиш бошқармалари, 2-механизациялашган кўчма колонна, 2-монтаж бошқармаси бунёдкорларини киритиш мумкин. Қурилишга 2-механизациялашган кўчма колонна бош пудратчи этиб тайинланди.

— 10 минг ўринли томошагоҳнинг қисқа муддат ичида тикланишига 100 дан ортиқ қурувчилар жалб этилган. Улар икки сменага бўлинишиб меҳнат қилишмоқда, — дейди бизга бош пудратчи ташкилот ишюритувчиси Раҳмон Муртазоев. — 1 июлдан бошланган ишимиз, ҳозирда ўз ниҳоясига етмоқда. 8 августда унинг бир қисмини, яна бир ҳафтадан кейин эса томошагоҳни тўлиқ равишда фойдаланишга топширамиз.

Қурилиш майдони одамлар билан гавжум. Улар орасида турли касб кишиларини учратасиз. Пайвандловчи, дурадгор, ғишт терувчи, созловчи, бўёқчи, кранчи... Яна бу саноқни истаганча давом эттираверши мумкин. Хуллас, турли касб кишилари бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатликда улкан томошагоҳни тиклашмоқда.

Қурилиш бу йил ўтган йиллардагидан анча фарқ қилади. Масалан, бош майдон минбарига қарама-қарши томонда 10 минг кишилик жой ҳозирланмоқда. Ўртада катта саҳна. Унинг орқа томонида эса иккита кичик саҳначалар ўрин олади. Улар томошабин диққат-эътиборини кичик кўринишдаги томошаларга тортади. Бир сўз билан айтганда, бу саҳначалар катта саҳнага ёрдамчи вазифасини ўташади. Хусусан, жамоаларнинг ёрқин чиқишлари оралиғидаги муддатда томошалар тугамайди. Улар кичик саҳнада давом этаверади.

Ўртада катта фаввора камалак рангда товланиб, бу ерга келганларга хуш кайфият бағишлайди, ҳам теварак-атрофни



Қурувчилар куни шарафига

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ ТОМОШАГОҲ

Суратли лавҳа

мўътадил ҳаво билан таъминлайди. Орқа томондаги паннолар орасидан яққол кўзга ташланиб турган Ўзбекистон Республикаси байроқлари ҳилпираб мустақиллигимизнинг беш йиллик тантаналаридан ҳар дам далолат бериб туради. Томошабин бу ажойиб манзарани бош майдондаги минбар орқали ҳам кузатиб туриши мумкин. Бундан ташқари саҳнани, умуман томошагоҳни ёритиб турувчи чироқлар ўрнида ҳам ўзгариш бор. Сакқизта баланд ҳавозаларга ўрнатилган бу чироқлар турли-туман нурлар тараташ, майдонга ўзгача тароват бахш этиб туради.

— Биздан ташқари бу ерда жуда кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳам меҳнат қилишяпти, — дейди сўзини давом эттириб Раҳмон Муртазоев. — Уларнинг ҳар бири ўзига яраша вазифаларни бажаришмоқда. Масалан, 20-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари дурадгорлик ишларини бажаришаётган бўлса, 52-қурилиш бошқармасидагилар эса бўёқчилик юмушларини адо этишяпти.

Бу ерда бизга сидқидилдан меҳнат қилаётган жуда кўплаб қурувчиларнинг номларини айтишди. Масалан, Михаил Бардин, Александр Латиш, Владимир Шуҳлебов, Абдураҳмон Бекмирзаев, Фарид Фахриддинов, Валерий Юнусовлар ўз ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб ишлашаётган экан.

«Қурилиш материаллари ўз вақтида келиб турибдими» деган саволимизга қурилиш бригадаси бошлиғи Сергей Худяков шундай жавоб берди:

— Таъминотдан шикоятимиз йўқ. Чунки олдинги йиллари шу майдонга ўрнатилган барча қурилиш материаллари эҳтиётқорлик билан йиғилиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Чуқурсой ва Дўрмондаги базаларига олиб бориб қўйилган экан. Ўша жиҳозларни олиб келиб ишлатяпмиз.

Қурилишда бўлганимизда бу ерда жуда кўплаб таниш чеҳраларни учратдик. Улардан бу ҳақда сўрасак: «Бизга ҳар йили шу масъулиятли вазифа ишониб топширилади. Томошагоҳ қурилишида ишлаб, ўз ишимизнинг устаси бўлиб кетганмиз. Лойиҳага бир марта кўз югуртирсак бас. Қайси жойда қанча қурилиш бўлишини дарҳол илғаб оламиз, деб жавоб беришди.

— Ишимизнинг унуми албатта бизга яратиб берилган қулай шароитларга ҳам боғлиқ, — дейди 52-қурилиш бошқармаси ишбошчиси Ҳасан Сариев. — Маиший хизмат хоналаридан ташқари қурувчиларимизга икки маҳал иссиқ овқат текинга берилади. Ошхона ҳам шу ернинг ўзида. Мана шунинг учун ҳам бунёдкорлар вақтдан ютиб ишлашяпти.

Хуллас, бош майдон Мустақиллигимизнинг беш йиллигига ўзгача қиёфа касб этяпти. Бу ерда қурувчилардан ташқари шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг катта бир гуруҳи иш олиб боряпти. Уларнинг кучи билан теварак-атроф янада гўзаллашиб, ям-яшил либосга бурканмоқда. Ўйлаймизки, байрам тантаналарида бу ерга ташриф буюрадиган барча меҳмону мезбонлар қурувчилар ва майдоннинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшган инсонлар меҳнатига раҳмат айтишади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдонидаги томошагоҳ қурилишидан лавҳалар.

Рашид Ғалиев олган суратлар.



Йўловчи ва транспорт

БИЗ КУТГАН ТРАМВАЙ...

Кеча Амир Темур кўчаси бўйлаб Олой бозори олдидан 2, 3, 16, 25, 28-йўналишларда қатновчи трамвайлар яна юра бошлади.

Бу кунни нафақат Юнусобод тумани аҳолиси, балки шаҳримиздаги бошқа турар жой даҳаларида яшовчилар ҳам орзиқиб кутишган эди. Энди ана шу маршрутлар яна қайта тикланди ва трамвайлар ўзларининг илгариги йўналишлари бўйлаб қатнай бошлади. Яъни «Ўзбекқишлоқмаш» — «Образцов кўчаси» оралиғида қатновчи 2-, «Чкалов» метро бекати — «Марказий универсал магазини» оралиғида қатновчи 3-, «Ўзбекқишлоқмаш» — «1-шаҳар касалхонаси» оралиғида қатновчи 16-, «Зенит» заводи — «Тошкент Шимолий вокзали» оралиғида қатновчи 25-, «Зенит» заводи — «Самарқанд» автостанцияси оралиғида қатновчи 28-йўналишли трамвайлар яна ўз йўналиши бўйлаб қатнай бошлади.

Бу йўналишларда трамвайлар аввалги жадвал бўйича режадаги ҳаракат оралиғида аҳолига хизмат кўрсатаётир.

Маълумки, Амир Темур кўчасида олиб борилган кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари трамвайлар қатновини бирмунча вақт тўхтатиб қўйган эди. Бу кўчада транспорт тоннели, трамвай йўли қурилиши олиб борилган эди. Эндиликда «Олой бозори» бекатининг ўрни бироз сурилди ва у Абдулла Қодирий кўчаси чорраҳасида бўлади. Бу ерда транспорт ҳаракати ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трамвай бекатидан Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчалари йўлкаларида ер ости ўтиш йўли бунёд этилди.

Транспорт тоннели қурилиши ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилиши ва асфальтдан чиқарилиши муносабати билан Амир Темур кўчасидан транспорт ва бошқа автобус маршрутларининг икки томонлама ҳаракати ҳам қайтадан йўлга қўйилади.

...ВА ТРОЛЛЕЙБУС

Беруний шоҳкўчасининг Хадра майдонидан «Алпомиш» спорт саройигача бўлган қисмидаги таъмирлаш ишлари икки ойдан зиёд вақт давом этиб, ниҳоясига етказилди.

Ушбу кўчадаги йўлларни қайтадан асфальтлаш, троллейбус линияларининг таянч тармоқларини алмаштириш учун ана шу участкада бирмунча муддат давомида троллейбус ҳаракатини тўхтатиб туришга тўғри келди. Эндиликда бу ердаги ишлар ниҳоясига етказилди ва кечадан бошлаб 4, 20-йўналишларда қатнайдиган троллейбус ҳаракати яна йўлга қўйилди. Беруний шоҳкўчасининг яшил зонасини ободонлаштириш, жамоат транспорти бекатлари қурилиши ишлари ҳам поёнига етмоқда.

СУРАТДА: Амир Темур кўчасида яна қатнай бошлаган трамвай.

Рустам Шарипов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Туманлар йўқламаси:

Миробод







«Тошкент» станциясида байрамолди қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айниқса, «Шимолий» вокзалдан сафарга отланувчи йўловчиларга ҳамма қулайликларни яратиш ташкилотнинг бош вазифасидир. Станциянинг ички қисмлари жаҳон андозалари даражасида безатилмоқда, йўловчилар учун қулай шароитлар яратилмоқда.

— Саккизта қатнов йўли бор, — дейди станциянинг бош муҳандиси Валимер Аджарипов. — Шу йўлдан доимий поездлар қатнови ўтади. Худди шу йўлни йўловчилар ҳам кесиб ўтишади. Биз шу хавфсизликнинг олдини олиш учун яқинда кўприк қурилишини бошладик. Мустақиллик арафасида бу кўпригимиз битса, кейин йўловчилар кўприк устидан ўтиб, хавфсизликлари сақланади.

СУРАТЛАРДА: янги кўприк қурилиши давом этмоқда. Станциянинг касса зали. Валимер Аджарипов йўл назоратчиси билан.

Ватан ичра Ватан

МАҲАЛЛАЛАРДА ҲАШАРЛАР

Ҳадемай ўлкамизда яна бир шодиёна — халқимизнинг севимли байрами — юртимиз мустақиллигининг беш йиллиги кенг нишонланади.

Ўтган беш йил туманимиз учун ўзига хос синов бўлди. Саноатда, транспортда, ободонлаштириш ишларида бирмунча олдинга силжишлар юз берди: Катта Фарғона йўли очилди, «Қўйлиқ», «Фарғона» деҳқон бозорлари қайта қурилди. «Миробод» деҳқон бозори ён-атрофида кўплаб кўп қаватли уйлар бунёд этилди. «Истиқлол» маҳалласи ташкил топди. Бу ерда ҳам кўплаб аҳоли истиқомат қиладиган уйлар кўкка бўй чўзди. 5, 26-трамвай излари қайта таъмирланди.

Маҳаллаларда ҳам ишлар қизиб кетди. Уч йил илгари туманда атиги 16 та маҳалла мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, улар сони 39 тага етди. Президентимизнинг маҳаллаларга тегишли бўлган барча фармонларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, катта-катта ютуқларга эришдик. Ҳар бир маҳалла оқсоқоли, котиби маош билан таъминланди. Улар учун идора қурилиб, телефон тушириб берилган. Оқсоқол ўз ҳудудини нафақат ободонлаштириш, балки қурилиш, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш каби юмушлар билан шуғулланмоқда.

Ҳашар йўли билан «Мингўрик», «Навбаҳор», «Файзиобод», «Матонат» маҳаллаларида жами 4 та гузар қурилиб, ишга туширилди. Ўнлаб ёрдамчи кичик корхоналар барпо этилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Худди шу даврларда «Чинор» маҳалласида ҳам чойхона очилиб, зарур қулайликлар ҳам яратилди. Фурқат номли, «Истиқлол», «Ўзбекистон» ва бошқа маҳаллаларнинг марказларида тўйхоналар қурилди. Биргина «Сариқўл» маҳалласида кресло ва диван тайёрлайдиган 2 та цех, кунига 20 минг қутича қадоқланган бодроқ ва бодроқ қаламчалари ишлаб чиқарувчи кичик корхона ишлаб турибди. Жорий йилда эса тикувчилик цехи, ошхона-чойхона очилди. 11 турдаги нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган иссиқ нон дўкони мунтазам ишлаб турибди.

Маҳалла фаоллари, фидойилари ҳамиша ҳаракатда, изланишда. Ҳозирда Шароф Рашидов номли, Мусо Тошмуҳаммад номли ва «Миробод» маҳаллаларида гузар қурилишлари бошланган. Янги ташкил қилинган «Мустақиллик» ва «Қорасув» маҳаллаларида эса ободонлаштириш ишлари авж олган.

Туман ҳокимлиги, маҳалла маъмурияти тозаликка алоҳида эътибор берадилар. Кўча, хиёбонлар доимо тоза бўлиши, ўз вақтида супурилиб туриши учун иш унуми оширилган. Туманга бириктирилган 63 та чиқинди ташиш, сув қуйиш, сув сепиш машиналари бир маромда ишлаб турибди. Баротхўжа, Салор ариқлари, Қорасув, Толариқ канали суви исроф қилинмай, мевали ва манзарали дарахтлар учун фойдаланилмоқда.

Мустақиллик арафасида «Миробод» деҳқон бозорини ишга туширишга тараддуд кўрилмоқда.

Ўйлаймизки, шу куни мустақиллигимизнинг севимли айёми маҳаллаларда ҳам кенг нишонланади. Бир пиёла чой устида қизиқарли суҳбатлар қурилиб, турли хил томошалар кўрсатилади.

Шавкат ЖАВЛОНОВ,
туман ҳокимлиги ташкилий ишлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув бўлими бошлиғи.

Ватанимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида ҳар биримиз босиб ўтган йўлимизга назар ташлаб, келажакка катта ишонч билан қараймиз. Бу табиий ҳолат. Чунки бугун оламга донғи кетаётган диёримиз равнақи, унинг истиқболи — бу бизнинг иқболимиздир.

Шу жараёнда юртимиз равнақини қарор топтиришда турли ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг ҳам ўрни бор.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, унинг маърифий, маданий, одоб-ахлоқ уюшмаси бу санани энг эъзозли ва қадрли деб билиб, ўзининг тадбирларини тузиб, жойларда иш бошлаб юборди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги корхоналарда, маҳаллалар ва истироҳат боғларида мустақиллик кунига бағишлаб давра суҳбатлари бўлиб ўтаяпти. Унда тарихчи олимлар, шоиралар ва санъаткорлар мустақиллик ҳақида сўз юритиб, қўшиқлар куйлашмоқда.

«Истиқлолимиз — иқболимиз» мавзуида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг илмий-амалий конференциясини ўтказиш режаланган. Шунингдек, шаҳарнинг барча туманларида алоҳида-алоҳида мавзулар бўйича адабий кечалар, анжуманлар ўтказилади. Булар мустақиллик ва хотин-қизлар мавқеи, миллатлараро дўстлик, аҳиллик, мустақиллик пойдевори, иқтисодиёт ва маънавият, мустақиллик, урф-одатлар ва ҳоказо.

Аҳоли турар жойларида

УЛУҒ АЙЁМГА БАҒИШЛАБ

Ундан ташқари мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, хайрия жамғармалари ҳамкорлигида кам таъминланган кўп болали оилалар учун суннат ва никоҳ тўйлари ташкил этилади.

Белгиланган тадбирлар бўйича жойларда, маҳаллаларда, болалар дам олаётган оромгоҳларда учрашувлар ташкил этилди. Жумладан, Юнусобод тумани «Дўстлик» маҳалласи, Собир Раҳимов тумани «Чигатой — Оқтепа» маҳалласида, Тансиқбоев номли 15-мактабда мустақилликнинг тарихи, моҳияти, аҳамияти ҳақида давра суҳбати ўтказилди. Унда шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф. Абдураҳимова, С. Раҳимов тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Ғанихўжаева, шоира Нодира Рашидова, журналист Ақида Азизова, Фарида Усмоновалар иштирок этиб, истиқлол туфайли нималарга эришганимиз ҳақида гапиришди. Шоиралар ўз шеърларидан ўқиб беришди.

Яқинда Чилонзор туманининг Чарх-Камолон маҳалласида «Мустақиллик ва инсоний урф-одатларимиз» мавзусида жуда қизиқарли, ҳаммага манзур бўлган давра ўтказилди. Шу маҳалланинг намунали оила соҳибалари, ибратли, ҳавас қилса арзийдиган қайнона, келинлари сўзга чиқишиб, тарбия масалалари, оила тотувлиги, инсоний урф-одатлар, удумларимиз ҳақида мазмунли мулоқот қилдилар. Тарихимиз, аждодлар мероси, мустақилликнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида ҳам сўз борди. Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Мунира Обидова, Чарх-Камолон маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси М. Мўминжонова, қайнона, кўп болали онахон С. Аҳмедова, келин Г. Самандаровалар-нинг сўзларини диққат билан тинглашди. Чарх-Камолон маҳалласи аёллари ва туман фаоллари фойдали суҳбатлар, санъаткорларнинг чиқишлари, салқин сув бўйидаги маҳалла шийпонида мириқиб дам олишди.

Мустақилликнинг беш йиллиги борасидаги суҳбатлар, унинг тарихи, моҳияти, аҳамияти ҳақидаги савол-жавоблар шаҳримизнинг ўсмирлари, ёш болалар ўртасида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Шаҳар болалар фонди (раиси Ш. Мавлонова) билан ҳамкорликда 22-Меҳрибонлик уйида ўтказилган даврада республикамиз герби, байроғи, мадҳияси ҳақидаги суҳбат жуда ўринли бўлди.

Учрашувлар, давралар давом этади. Август ойи ичида шаҳримизнинг 11 туманида, кўплаб маҳаллаларда истиқлолимиз, маданий меросимиз, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ борасида очиқ мулоқотлар бўлиб ўтади.

Ишончимиз комилки, бугунги гўзал шаҳримиз Тошкентнинг чиройига чирой қўшган, кенг хиёбонлар, бозорлар,гузарлар, кўприклар, спорт майдонлари ва бошқа қурилишлар бизга қувонч бахшида этмоқда. Биз хотин-қизлар, фаоллар олдимизда турган вазифаларга масъулият билан ёндошиб, маънавият уруғини халқимиз ичида сочиб, айниқса ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб ўсишига ҳар доим кўмакдош бўламиз.

Муборак ЮНУСХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси маърифий, маданий, одоб-ахлоқ уюшмаси раиси, тарих фанлари номзоди.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ — ҚЎЛЛАРИМИЗДА

(Давоми. Боши1-бетда)

Ташқи бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш кун тартибидан тушгани йўқ. Аксинча, имкон қадар кўпайтирилмоқда. Бу соҳада «Ўзэлектроаппарат», «Фотон», «Ўзтемирйўлтаъмирмаш», «Каноп» жамоа корхонаси ҳамда «Кварк» кичик корхонаси салмоқли улуш қўшишмоқда. Ўтган ярим йилликда жами 2908,8 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, савдога чиқарилди. Албатта бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга катта эътибор берилиб, дунёвий тажриба ва малака асосида яратилмоқда. Айниқса сифати, харидорбоплиги, қолаверса, жаҳон талаблари даражасида яратилиши ҳамиша диққат-эътиборимизда турибди. Кейинги 1997 йил учун экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтира бориб, 7,6 миллион долларга етказмоқчимиз.

Туманда кенг кўламли қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Кўча-кўй, боғ ва бозорлар қайта лойиҳалаштирилиб, қурилиш ишларининг дастлабки босқичлари амалга оширилмоқда. Уй-жой қуриш учун 4,6 минг квадрат метр ер ажратилган (уни «Ўртаосиётранскурилиш» тресги Мунис кўчасида амалга оширмоқда), Бехтерева — Сариқўл кўчасида эса 320 ўринли болалар боғчаси қурилмоқда.

Ярим йилда 334 метр сув қувурлари, 3,5 километр канализация тармоқлари ўтказилди.

Булардан ташқари республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида «Миробод» деҳқон бозорини, «Амир Темур хиёбони — Қўйлиқ» троллейбус йўналишини ишга туширмоқчимиз. Сув спорти саройи, «Асака банки» биноси ҳам шу кунларда ишга туширилиши кўзда тутилган.

«Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамиятида қўшимча бино ва халқ истеъмоли моллари учун цех қурилиши, «Тошкент кимё қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» заводига омбор қурилиши ҳамда «Ўзтемирйўлтаъмирмаш» заводи майдони ва соҳасини кенгайтириши ҳам шу кунларга тўғри келади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт, халқ таълими, маданият ва фан соҳаларини такомиллаштиришга баҳоли қудрат кўмаклашмоқдамиз. Негаки ушбу тармоқларни ривожлантирмай, юқори поғонага кўтармай, яхши натижаларга эришмай туриб, кутилган катта-катта мақсадларимизга эришишимиз осон кечмайди.

Туманда ҳозирда юзга яқин бюджет ташкилоти бўлиб, уларнинг фаолиятлари ҳамиша диққат-эътиборимизда. Булардан 52 таси халқ таълими, 19 таси соғлиқни сақлаш, 19 таси маданият, 2 таси ижтимоий таъминот ва бошқа бўлимлар таркибига кириб, ўтган ярим йилда уларга 180 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Кези келганда айтиш керакки, бу соҳаларда ҳам ютуқларга эришаяпмиз. Айниқса алоҳида фанлар чуқур ўргатиладиган 110-, 147-, 263- ва 294-мактаблар ҳамда яқинда фаолиятларини бошлаган 53- ва 60-гимназия мактабларида кўпгина қулайлик ва шароитлар яратилган.

Ҳозирда боғча ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчилари учун ўринлар етарли. Уларни зарур ўқув жиҳозлари ва кўргазмалари билан таъминлаш ҳам кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Асосий диққат-эътиборимиз яқин-яқинлардан кўп қаватли уйларда маҳалла мақомини олган ўз-ўзини бошқарув органларида. Негаки тузган режа ва дастурларимизнинг юзага чиқишида, ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этилишида маҳаллаларнинг аҳамияти сезиларли даражада катта бўлмоқда. Маҳаллаларда туғилган муаммо ва масалалар ўз вақтида ечимини топиб, зарур бўлган қулайлик ва афзалликлар яратилмоқда. Кам таъминланган оилалар учун ўтган ярим йилда 6 миллион 102 минг сўм ажратилди. Май, июнь ойларида маҳаллаларда ҳисоботсайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ҳа, кўзланган мақсадларимизга босқичма-босқич эришиб бормоқдамиз. Режа ва тадбирларимиз эса жуда-жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси юртимиз тараққиётига қаратилган.

Иш билан бандлик

ЎЙ ВА РЕЖАЛАР

Бозор иқтисодиётининг биринчи босқичи — эртанги кунимизнинг пойдевори яратилиши амалга оширилди. Ўзига хос қийинчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш йўли билан бу кунларни ортда қолдирдик. Эндиликда эса, асосий паллага — ҳалол меҳнат қилиб, унинг самарасига эришишга интилишимиз, қолаверса, тузажак режаларимиз ва дастурларимизни янада бақувват, пухта яратишга интилишимиз керак.



Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи шунинг учун ҳам долзарб бўлиб турибди. Сабаби оддий: дунёкарашлари, фикрлаш доиралари кенгайган, имкониятлари синалган, айни чоғда оилаларида яхши шароитлар яратишга интилишлари кучайган фуқароларимизни ҳар қандай ишга кўндиролмайсиз. Республикамизда фаолият юритаётган қўшма корхоналар, чет эл фирма ва ташкилотлари бошқа муассасаларга намуна бўлаётган бир пайтда иш берувчиларимизнинг масъулиятлари янада ошиши керак.

Биз, бандлик хизмати мутахассисларининг асосий ишимиз ҳам ана шу — мирободлик фуқароларимизнинг талаб ва таклифлари асосида ишлаш. Ўтган олти ой давомида қилинган ишларимиз бунинг яққол мисоли бўла олади.

Аниқ тахминларимиз, яъни дастуримиз бўйича ўтган ярим йилда бандлик хизматимизга 600 киши мурожаат қилиши керак эди. Амалда эса 586 киши мурожаат этган. Шулардан 451 нафари иш билан таъминланди. 97 фуқарога эса ишсизлик мақоми берилди. 12 киши муддатидан илгари нафақага чиқарилди. Касбини ўзгартириш, малакасини ошириш ниятида бўлган 43 фуқаро қисқа курсли ўқиш учун Ўқув марказига юборилди. 82 кишига эса ишсизлик нафақаси берилди.

Жорий йилнинг иккинчи ярим йилида бандлик хизматига 820 нафар фуқаро мурожаат қилиши тахмин қилинмоқда.

Иккинчи ярим йилда (июль—декабрда) 890 нафар йигит-қиз ҳам бизга мурожаат қилиши кўзда тутилган. Шулардан 354 нафари умумтаълим мактабларини битириб, ўқишга кира олмаган ёшлар, 112 нафари ҳунар-техника билим юртини битирган, 200 нафари техникум ва 224 нафари олий ўқув юртларини битирган бўлғуси мутахассисларни ташкил этади. Ҳозирданоқ биз улар учун бўш иш жойлари яратиш устида изланишлар олиб бормоқдамиз. Албатта туман ҳокимлиги кўмагида бу муаммоларни бартараф этамиз.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Булар ҳар бир иш жойларини жаҳон андозалари даражасига кўтаришдир. Фуқаро қабул қилинаётган корхонада унинг учун етарли шароит ва имкониятлар бўлиши зарур. Айниқса меҳнат муҳофазаси асосий масалалардир. Бу тадбирларни амалга оширишда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамжиҳатликда ишламоқдамиз. Ўйлаймизки, босқичма-босқич бу муаммоларни ечиб, корхонада ишлаётган ишчи-хизматчилар учун янгидан-янги қулайлик ва афзалликлар яратамиз.

Ҳозирда туманда ҳокимлик билан ҳамкорликда бўш иш жойлари яратиш устида изланмоқдамиз. Айниқса, маҳаллаларда, йирик савдо ва саноат корхоналарида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этишга киришганмиз. Маҳаллаларда ташкил этилаётган гузарлар ҳам шулар жумласига киради. Шу жойларда миллий ҳунармандчилик билан шуғулланадиган усталар учун кичик-кичик устахоналар, хизмат кўрсатиш идоралари ташкил этилмоқда. Албатта бу тадбирларимиз ўз меваларини бермай қўймайди.

Хотин-қизларимиз учун бўш иш жойлари яратиш асосий эътиборимизда. Кўпчилик уй бекалари корхона, ташкилот, муассасаларда эмас, балки уй шароитларида ишлашни маъқул топишмоқда. Шунинг учун тумандаги фирма, кичик корхоналар воситасида уй шароитида ҳам тайёрласа бўладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз. Шунда аёлларимиз оилалари, уй юмушларидан ажралмаган ҳолда ҳам корхонага, ҳам ўзларига манфаат келтирадилар.

Ҳа, бандлик хизмати бугуннинг талаб ва таклифлари асосида фаолият юритиб, эртанги кунини, унинг фаровонлигини белгилаб бораверади.

Гулчеҳра АЗИЗОВА,
туман бандлик хизматининг бошлиғи.

СУРАТЛАРДА: мебеллар ишлаб чиқарадиган «Мирюнус» кичик корхонасида.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Ўттиз олти йиллик тарихга эга бўлган «Сариқўл» маҳалласи мустақиллик шарофати билангина ривожланиш йўлига кирди.

1992 йили маҳалла фаолларининг ўзгартирилиши амалга оширилмай келинаётган муҳим ишларни юзага чиқаришга туртки бўлди. Йўллар асфальтланди, кўча бўйидаги манзарали дарахтлар ўрни мевали дарахтлар билан алмашди. Маҳалладаги 413 та уй газлаштирилди. Гулчеҳра Тулянова, Муҳаббат Абдужалилова истиқомат қилаётган оилаларга маҳалла ҳисобидан газ тушириб берилди.

Фаолларимизнинг олдиларидаги кундалик юмуш аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар аҳволидан тез-тез хабардор бўлиб туришдир. Бемор, кўп болали оилаларга ёрдам бериш биринчи галдаги вазифамиздир. Ўтган тўрт йилда маҳалла шахсий уйлар қатори 11 та кўп қаватли уйларда яшовчилардан 200 кишига моддий ёрдам кўрсатди.

Айни кунларда мустақилликнинг 5 йиллик айёмида топшириш учун совға-саломлар тайёрланмоқда. Бу совғалар кичкинтойлар ҳамда кўп болали оналар учун мўлжалланган. Албатта бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ҳомийларимизнинг маҳалла билан бақамти, баҳамжиҳатлигидан бир исбот бу.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг маҳаллаларга оталарча ғамхўрлиги, кам даромадли оилаларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш борасидаги фармонлари бозор иқтисодиёти даврида кам таъминланганларга кўл келди. Биргина бизнинг маҳаллада шу йилнинг май ойига қадар ҳар ойда ўртача 85 оила ёрдам пули билан таъминланиб келинди. Ижтимоий ҳаётнинг аста-секин яхшиланиб бориши туфайли

2-3 ойдирки, бу рақам 75 оилага тушиб қолди.

Маҳалла ривожланишда давом этмоқда.

Хотин-қизлар, фахрийлар кенгашлари, ХДП ташкилотининг фаолиятлари кенгайиши, ўсиши туманда олдинги ўриндадир. Маҳалла бир неча кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлаяпти. Куни кеча энг намунали оила, энг ёш қайнота танловида ҳам маҳалламиз олдингилар сафида бўлди. Эндиликда маҳалла тарихини ёритиш, хотин-қизлар фаолияти бўйича ҳам ўтказиладиган кўрикка тайёргарлик кўрилмоқда. Одобнома дарси, «Боғча—маҳалла—мактаб—оила» мавзусида қизиқарли суҳбатлар мунтазам ўтказиб турилади.

Ҳа, бизда маънавиятимиз юксалишига даҳлдор қайсики тадбир бўлса, дарров бош қўшамиз. Соҳибқирон Амир Темур бобомизга бағишланган кўргазманинг ташкил этилиши, ўтган тўрт йил мобайнида Яссавий юрти Туркистонга, республикамизнинг тарихий обидаларини зиёрат қилиш учун ташриф уюштирилиши шулар жумласидандир. Яқинда маҳалламиз аъзолари Амир Темур йўллари бўйлаб Шаҳрисабзгача бориб келдилар.

Қурилиш соҳасида ҳам тумандаги маҳаллалар ичида кўпгина ишлар қилинди. Узунлиги 35 метрни эгаллаган замонавий шийпон ҳам ҳашар йўли билан қурилган. 300 ўринли отахонлар оромгоҳининг қурилиш ишлари деярли тугаб, фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Ҳозирда байрамолди ҳашарлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор бе-



рилмоқда. Бир томонда маҳалла гузари қурилиши ҳам бошланиш арафасида.

Бунёдкорлик ишларини бажаришда «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзагросаноат» трести, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг қурилиш-таъмирлаш бошқармаси раҳбарлари ҳамда Аҳмаджон Азимов, Йўлдош Мусаев, Мусажон Шодиев сингари ҳомийларимиз, бодроқ, шлакоблок, мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналаримиз катта мадад беришмоқда. Хусусийлаштирилган 50-дўкон эса суянчиғимиздир.

Мустақиллик ҳар бир кишига ишлаш учун имкон яратди. Янгиликни амалга ошириш эса инсоннинг ўзига боғлиқ. Биз ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, режаларимизни амалга ошираверамиз.

Исматулла РУСТАМОВ,
«Сариқўл» маҳалла йиғинининг раиси.

СУРАТЛАРДА: «Сариқўл» маҳалласида бунёд этилаётган маврид маркази қурилишидан лавҳалар.

Ҳуқуқий давлат сари

ҚОНУНЛАР МАЖМУАСИНИ ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Амалдаги фуқаролик суд юритиш қонунлар мажмуаси (гражданлик процессуал кодекси) бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган эди.

Фуқаролик суд юритиш қонунчилиги қабул қилинган вақтдан то шу кунгача унга 200 га яқин ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ улар шу соҳадаги ишларни судларда кўриш ва ҳал этиш масалаларига муайян таъсир кўрсатган бўлса-да, фуқаролик жараёни қонунчилигини ва суд юритиш ишларини демократиялаш вазифасини ҳал эта олмади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик суд юритиш қонунлар мажмуаси лойиҳасини тайёрлаш ишига жадал киришилди.

Хўш, фуқаролик процессуал Кодекс лойиҳасининг ижобий жиҳатлари, амалдаги кодексдан фарқи нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси лойиҳаси бирмунча ихчамлаштирилди ва суд амалиётида тадбиқ этилмайдиган ёки кам тадбиқ этиладиган айрим ҳуқуқий меъёрлар қисқартирилди, айримлари эса чиқариб ташланди.

Кодекс лойиҳасида амалдаги кодекснинг ҳаёт тажрибасидан ўтган, суд амалиётида ўзини оқлаган ҳуқуқий меъёрларининг аксарияти ўз аслича сақлаб қолинди.

Авваламбор, амалдаги «Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал Кодекси» деб номланган бу қонунлар мажмуаси ўзининг номига мос ва қўйилган талабларга хос масалаларни ўз ичига олганми, деган асосли саволни ечишга ҳаракат қилинди.

Юқорида қайд қилганимиздек, Кодекс республикамизда фуқаролик ишлари бўйича судларда одил судловни амалга оширишда ижобий таъсир кўрсатганлиги суд амалиётидан маълум. Лекин «процесс» лотинча бўлиб, «продвижение», юридик атамаларда — судда иш кўриш тартиби деган маънони билдиради. Айниқса, ўзбек тилида, «процесс» сўзини «жараён» деб ўзгартириш судда иш кўришнинг тўлиқ маъносини очиб бермайди. Бундан ташқари ҳар бир қонун кенг жамоатчиликка тушунарли бўлиши лозим. Шунинг учун амалдаги қонунлар мажмуасининг 1-моддасида Гражданлик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунлар мажмуасининг (ГПКнинг) 2-моддасида унинг вазифалари, 3-моддасида эса гражданлик ишларини юритиш тартиби ва бошқалар берилган. Бу меъёрларда асосан ҳамма судларда гражданлик ишларини юритиш тартиби тўғрисида сўз боради. Демак, бўлажак фуқаролик жараёни қонунлар мажмуасини «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик суд юритиш қонунлар мажмуаси» деб номланса, кодекснинг асосий мақсад ва вазифаларини очиб берган бўлади, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Бу масала юзасидан ҳуқуқшуносларимиз ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирсалар керак, деган умиддамиз.

Янги кодекс лойиҳасини ишлашда, авваламбор, унинг умумий ва махсус қисмларига алоҳида эътибор берган ҳолда иш бошлаш керак. Умумий қисмида шундай ҳуқуқий меъёрларни жамлаш лозимки, уларнинг асосий қисмида ҳамма институтларга тадбиқ қилинадиган ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топмоғи, шу билан бир қаторда, боблар ва моддаларнинг номини ўз ичига олган масалалар мазмунига мос бўлиши лозим.

Булардан ташқари умумий қоидаларнинг алоҳида бобларида: суд тўғрисида: суд қарорлари ва қайдномалари; суд ва процесс иштирокчиларини четлатиш, тааллуқлилик, жараён иштирокчилари; далиллар; суд харажатлари; суд жарималари; процессуал муддатлар ва суд хабарлари, чақириқлари ҳақида алоҳида тўхталиб, бу масалалар иш кўришнинг барча босқичларида учраши сабаби умумий қоидаларда берилиб тўғри иш қилинган деб ўйлаймиз.

Агар, шу бобларда кўрсатилган айрим масалалар хусусида тўхташ жоиз бўлса, эътиборингизни амалдаги Кодексга нисбатан мутлақо бошқача битилган 1-моддага қаратмоқчимиз. Бу модда мустақил Республикамизнинг асосий Қонуни — Конституция талабларидан келиб чиққан бўлиб, суд ҳимоясида бўлган Конституциявий ҳуқуқ деб номланган. «Ҳар бир шахс судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши кафолатланганлиги, шунингдек, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги»га алоҳида урғу берилган. Ёки лойиҳанинг 3-моддасида «Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари» ҳақидаги масала кўрилиб, амалдаги Кодексга нисбатан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга (юқорида қайд қилганимиздек) алоҳида эътибор берилган, шунингдек «...ижтимоий адолатни, фуқароларнинг тинч-тотувлиги ва миллий келишувлиги, мавжуд одат ва анъаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга...» ва ҳоказо масалаларни ҳимоя қилишни ўзида акс эттирган.

Булардан ташқари 2-бобда суд, суд қарорлари, қайднома (протокол)га оид бир бутун масалалар, шунингдек хусусий ажримларга оид моддалар ҳам киритилган.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш лозимки, ишни судда кўриб ҳал қилишда жараённинг ҳамма босқичларида, шу жумладан, кассация, назорат судларида ҳам учрайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича тадбиқ қилинадиган процессуал нормалар ажратиб алоҳида қилиб берилди.

Лойиҳанинг умумий қисмидаги яна бир муҳим масала — у ҳам бўлса, фуқаролик ишларини судьяларнинг якка ўзи ва бамаслаҳат асосида кўришдир. Бу ҳуқуқий меъёрга кўра, «Биринчи поғона судларида кўриладиган ишлар судьянинг якка ўзи томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судида эса учта судьянинг ҳайъатлигида кўрилади. Иши судья якка ўзи кўриб ҳал этганда, унинг барча ҳаракатлари суд номидан амалга оширилади...» деган модда берилган.

Агар тарихга назар ташласак, мусулмон ҳуқуқида бобокалонларимиз суд юритиш ишларини жуда ҳам оддийлаштирган ҳолда низоли фуқаролик ишларини ҳал этганлар. Бунга кўра, ҳар қандай жиноий ва фуқаролик ишларини қозининг якка ўзи кўриб, ҳал этган. Қозилар судида ишлар даъво асосида кўрилиб, жиноят ишларида ҳам тарафлар даъвогар ва жавобгар деб юритилган. Шу қоидаларни маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда, фуқаролик иш юритиш қонунлар мажмуаси лойиҳасида судда иш кўришни ихчамлаштириш мақсадида судьяларнинг якка ўзлари иш кўришини давр талабига мос келадиган иш деб қаралмоғи керак, деган фикр туғиляпти.

Амалдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосан тузилганлиги сабабли, бўлажак фуқаролик процессуал қонунлар мажмуасида суд идораларининг тутган ўрни суд ҳокимиятига хос бўлган номга тўлиқ жавоб бериши лозимлигини назарда тутиб, амалдаги кодекснинг қатор меъёрларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур деб топилди. Масалан, ФПКнинг 13-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор назорати тўғрисида ва ҳоказо. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларини ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шахслар судга мурожаат этиш шаклларини, амалдаги қонунчилик (ФПК) турлича талқин қилиб беради. Жумладан: даъво қўзғатиш йўли билан бўлса «даъво ариза», алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича «ариза» ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича эса «шикоят» бериш билан судга мурожат этиш эса кўрсатилган. Процессуал ҳуқуқ назариясида қатор процессуалист олимларнинг таъкидлашича, ҳар бир ҳуқуқ бузилишининг заминида, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаати бўлиб, шуни ҳимоя қилиш назарда тутилади. Шу ҳолатларга эътибор берган аксарият манфаатдор шахслар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни «ариза» бериш билан изҳор қилмоқдалар. Суд амалиётида бу масалада ҳамжиҳатлик бўлишини назарда тутиб судга мурожаат этиш шаклининг ҳамма турлари — даъво қўзғатиш, алоҳида тартибда иш кўриш ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳам «Арз қилган талаблар» деб юритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ўз навбатида процессуал актлар турини ихчамлаштиришга ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳолатини енгиллаштиришга кўмаклашади, дейиш мумкин.

Судда иш кўриш билан боғлиқ бўлган процессуал қоидаларга риоя қилмаслик, жумладан, иш кўриш жараёнида раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаслик, даъвогар ва жавобгарнинг судга узрсиз сабабларга кўра келмаслиги, ижро ҳаракатларини бажаришга тўсқинлик қилиш ва бошқа ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан жарима солиш ва уларнинг миқдори амалдаги Фуқаролик процессуал кодексда белгиланган бўлса-да, бироқ бу жарималар ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш талабига жавоб бермаётганлиги ва уларнинг миқдори кам бўлганлиги сабабли Кодекс лойиҳасида жарима миқдори энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида белгиланди.

Лойиҳада ишда иштирок этувчи шахслар таркибини аниқлаш масаласига ҳам эътибор берилган. Хусусан, ишда иштирок этувчи шахслар қаторига судда вакиллик қилувчи шахслар ҳам киритилди. Бундан мақсад, процессуал қонунчиликда (ФПКнинг 30-моддасида) судда иштирок этувчи шахсларга қатор процессуал ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи берилган бўлиб, судда вакиллик қилувчи шахсга эса бундай ҳуқуқ тегишли меъёрда ўз ифодасини топмаган; Лойиҳада эса вакил ишда иштирок этувчи шахс қаторидан ўрин олди.

Кодекс лойиҳасида амалдаги айрим ҳуқуқий меъёрларда (коллезион нормалар)ни бартараф этиш масаласига ҳам эътибор берилди.

Қонун талабларига қараганда, маъмурий жазога қонуний вакил тариқасида қатнашувчи ота-оналар, васий ва ҳомийлар ва бошқа вакиллар ҳам қайд қилинган маъмурий жазога тортилиши лозим кўринади. Шунинг учун ҳам лойиҳада 178-модда 3-қисми талаблари бузилганда, ишда иштирок этувчи шахсларга энг кам белгиланган ойликнинг уч баробарига қадар жарима солиш билан жазо белгилашни мақсадга мувофиқ деб топилди. Лекин Кодекс лойиҳасида судьяларга нисбатан қилинган айрим ножўя ҳаракатлар, жумладан, ФПКнинг 178-моддасининг 3-қисмидаги вакилнинг суд мажлисига келишини таъминламаганликда айбдор бўлган корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг мансабдор шахсларга нисбатан ҳам белгиланган жазо чораларини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир, чунки бундай талаб янги «Суд тўғрисида»ги қонунда ҳам таъкидланган. Айрим моддаларнинг номи матн мазмунини тўлиқ очиб бермайдиган ҳоллар ҳам мавжуд. Масалан, ФПКнинг 357-моддасида: «Протестни бериш тартиби» белгиланиб, матнда назорат тартибида иш кўриш муддатлари ҳам берилган. Шунинг учун лойиҳада тегишли меъёрларни ихчамлаштириш ва улардан осон фойдаланишни кўзлаб барча инстанция судларида иш кўриш билан боғлиқ бўлган муддатларнинг умумий қисмида бир бутун норма тарзида берилади.

Амалдаги кодексда процессуал хусусиятларга эга бўлган айрим туркумдаги фуқаролик ишларини кўришга бағишланган фақат битта боб — «Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ишларни кўриш» киритилган. Никоҳни бекор қилиш, алимент ундириш ва оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар «Никоҳ ва оила» Кодексида ёритилганлиги сабабли лойиҳага киритилиши лозим топилмади. Суднинг ва бошқа идораларнинг қарорларининг ижросига оид ҳуқуқий меъёрлар амалдаги Кодексда 90 дан ортиқ бўлса, лойиҳада бу моддалар бирмунча қисқартирилиб, ижрога тегишли муҳим моддалар айрим ўзгартириш ва қўшимчалар билан қолдирилди. Бунинг боиси ижро тўғрисида махсус Низом мавжуд.

Фуқаролик ишларини судда кўриш ва ишни кўриш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни бажариш тегишли муддатларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Суд амалиётида амалдаги Кодексда белгиланган айрим процессуал муддатларга риоя қилинса ҳам, бироқ бу муддатни фуқароларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бермаганлиги сабабли бузилиш ҳоллари учрайди. Шунинг учун бу муддатларни амалиётга асосланган ҳолда уларни бирмунча узайтиришни лозим топилди. Масалан, суд мажлисининг қайдномаси (протокол) билан танишиб чиқишга 3 кун ўрнига 5 кун; унга берилган мулоҳазалар 5 кун эмас 7 кун ичида кўрилиши; суднинг ҳал қилув қарорига кассация шикояти ёки протест келтириш учун 10 кун ўрнига 20 кун; кассация шикояти (протестини) олган суд ишни юқори судга 5 кун ичида юбориши; кассация судида ишни 10 кун эмас 20 кун ичида кўриш; биринчи инстанция судининг ажримига нисбатан 5 кун эмас 10 кун муддат ичида шикоят (протест) келтириш белгиланди.

Республика фуқаролари, давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик суд иш юритиш қонунлар мажмуасининг лойиҳасида одил судловни амалга оширишда, ислоҳотлар ва тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан амалга оширишда, ўзлигимизни англаш йўлида бажарадиган ишларга, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни судда ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Шоакбар ШОРАҲМЕДОВ,
Фуқаролик процессуал Кодексининг лойиҳасини тузиш ишчи гуруҳининг раиси, юридик фанлари доктори, профессор.

Дил изҳори

ҲОРМАНГ, УСТОЗ!

Устоз билан мени бирлаштирган маънавий-руҳий, инсоний ришталар бевосита Шароф Рашидовнинг муборак номлари билан боғлиқ. Мақсуд ака ўшанда республикамизнинг бош газетаси «Совет Ўзбекистони»ни бошқарар, таниқли адиб, атоқли журналист сифатида машҳур эди. Мен олий партия мактабида ишлардим. Журналистика фани билан боғлиқ аксар амалий машғулотлар бевосита таҳририятларда ўтказиларди. «Совет Ўзбекистони» кафедрамизни оталиққа олган эди. Таҳририятдаги барча сабоқларни Мақсуд Қориевичнинг ўзлари бевосита ўтар эдилар. Уларнинг бирида устоз мени чақириб, Шароф Рашидов ижодига бағишланган «Қудратли тўлқинлар олами» рисолам илмий-назарий жиҳатдан жуда яхши ёзилганини, мулоҳаза, таҳлил ва хулосалар маъқуллигини айтиб, «биз билан ҳам ижодий алоқани бошла», дедилар.

Ўша йиллари Ўртачўл ерларини ўзлаштириш қизғин кечаётганлиги матбуотда ҳамиша ҳам кенг ва муҳими зудлик билан самарали ёритилмаётган эди. Шу сабаб устоз газетанинг махсус расмий ҳужжати билан мени Ўртачўлга юборган эдилар...

Устоз-шогирдликнинг беғубор самимий муҳаббати шарофати ила мана, ўнлаб йиллардан бери мен у кишининг ижод руҳияти билан боғлиқ барча илҳомий жараёнларнинг, қатор қисса ва сўнгги тарихий романлар яратилишининг бевосита гувоҳиман.

Москвада, Ижтимоий фанлар академиясида диссертация устида ишлардим. Бир куни эрталаб телефон жиринглаб қолди. Устоз бир ойлик муҳаррирлар курсига ўқишга келишларини айтдилар. Бир ой бирга бўлдик. Ўша кезлари Мақсуд ака Спитамен ҳақидаги тарихий-фалсафий роман устида қизғин ижодий иш билан банд эканлар. Роман учун тарихий ҳужжат ва дайнларнинг етишмаётганлигини, асосий илмий ва тарихий ҳужжатлар Москвадаги кутубхонада сақланаётганлигини айтдилар. Мен ана шу ҳужжат ва китобларни излаб топдим. Афсус, уларнинг аксари XIX асрда рус тилига таржима қилиниб, атиги бир нусхадан кутубхонада сақланаётган экан. Кутубхона қоидасига кўра бир нусхада сақланаётган китоблар ва ҳужжатлардан фойдаланиш қатъиян тақиқланган экан. Нима қилиш керак? Анча ташвишу расмиятчиликлардан кейин ўша китоб ва ҳужжатларнинг нусхаларини олишга муваффақ бўлдик.

Устоз Москвада ижодий ишни давом эттирдилар. Романнинг гўзал инсоний эҳтирослар, сержозиба руҳият жилваларига йўғрилган «Муҳаббат маъбудаси» боби ёзиб битказилди. «Осиёдаги энг гўзал, ошифтаҳол соҳибжамол Равшанак» қалбида наврўз нафасларида уйғонган тиниқ муҳаббат қўшиқлари оҳангларидан сармаст Спитаменнинг беқиёс кечинмалари рақам қилинган ушбу бобда икки ёш юракнинг эҳтирослари шаршараси бутун назокати ила муҳрланган эди.

Мен адибнинг кейинги тарихий романлари ёзилиши жараёнларида ҳам бевосита иштирок этганман. Ибн Синонинг Бухоро ҳаёти билан боғлиқ саҳналар яратилишида яқиндан ижодий «муаллифдош»лик қилганман.

Ёзувчи яратган ранго-ранг адабий аҳоли, «Ой тутилган кечаси» (кейинчалик қисса «Ойдин» номи билан нашр қилинди)даги Неъмату Ойдиндан «Сўғд ўғлони»даги Равшанаку Спитаменгача, сўнгги романидаги Ибн Сино образигача ўз чиройли маънавияти, қалб ва руҳий оламларининг теранлиги билан унинг ўзига жуда-жуда ўхшашдир. Муаллиф билан адабий аҳоли ўртасидаги руҳий яқинлик, қалбий-маънавий қондошлик, қариндошлик сўз санъати тажрибасида қонуний эстетик ҳақиқатдир. Мақсуд ака Қориевнинг ўзи шахсий ҳаётда ҳам, ижтимоий-ижодий фаолиятда ҳам маънан бутун, ахлоқан ва руҳан мумтоз, ниҳоятда ҳокисор инсон.

Дарҳақиқат, ёзувчи ижодига, унинг ўнлаб ҳикоялари, қисса ва романларига яхлит назар ташласак, барча яратмаларига хос бўлган муштарак ғоявий-йўналиш маънавият эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шу маънода маънавият — адибнинг бош қаҳрамони, маънавият — санъаткор қаламкаш ижодининг бош ғояси, бош образидир.

Ҳорманг, устоз!

Нарзулла ШОДИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

СУРАТДА: шаҳримиздаги «Турон» кутубхонасида адиб Мақсуд Қориев билан учрашув лаҳзалари.

Равиль Альбеков олган сурат.

БАЛХ ТУТ

(Ҳикоя)

Ёдимда, дала ҳовлимизда бир туп балх тут бўларди. Баҳор айёми, авжи илик узилди кезлари барча мевалардан олдин балх тутимиз пишарди. Ҳаммамиз унинг атрофида парки-парвона. Бирам тотли, бирам ширин эдики, еб тўймасдик. Биз чодир тутиб турардик, катта опам бўлса тутга чиқиб бақувват шохларини оёқлари билан тепсалар етилиб пишган тутлар дув тўкиларди. Чодирдаги оппоқ, озода, ширин-шакар тутни капалаб-капалаб, зўр иштаҳа билан тановул қилардим.

Қизиқ дамлар эди ўшанда. Баҳор бўлди пилла қурти хонадонларга мажбуран улашиларди. Қурт қурғур ўзингиз биласиз, фақат тут барги ерди. Даҳага кирганда унга барг етказиб бўлмасди. Шунда барг тақчил бўлганда зуғум билан балх тутлар ҳам аялмасдан кесиб кетиларди.

Бир куни хонадонимизга тўсатдан уч киши кириб келди. Бирининг қўлида болта, бошқаси арра тутган, кўзлари тутда.

— Уйда ким бор? — сўраб қолди қорачадан келган мўйловли киши. Бегона кишининг овозини эшитиб ойим уйдан югуриб чиқдилар.

— Опажон, тутингизни ҳаммасини эмас, фақат анави икки шохини кесиб оламиз. Ўзингиз биласиз, барг етишмаяпти. Қуртлар оч.

— Балх тутни кесиб бўладими, ахир бу муқаддас дарахт-ку! Жаннатнинг меваси-ку! Болаларимиз насибасига қўл теккизиб бўладими?

— Энди сизга Ватанимиз учун пилланинг аҳамиятини сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Ўзингиз тушунган, ўқиган аёлсиз...

Ойим бироз жимиб қолдилар. Кейин негадир тутақиб:

— Тушунаман, аммо давлатимиз менинг ҳовлимдаги шу тутга муҳтож бўлиб қолибдими? Тутни кестирмайман, қайга борсаларинг бораверинглар, инсофсизлар. Ҳукумат сенларга одамларнинг ҳовлисидаги балх тутни кес демаган бўлса керак-а!

Мўйловли киши ҳанг-манг бўлиб, нима дейишини билмай, дам онамга, дам ёнида болта-арра ушлаб турган дўстларига қарарди.

— Мени ўзим раисга чиқаман. Малик ака ҳаммасига тушунади, ўзи ҳам болаликдан балх тути еб катта бўлган. Сенларнинг бу қилмишингни эшитиб қолса борми, нақ кўрсатиб қўяди, деди ойим бўш келмай.

Шу воқеадан кейин қанча йиллар ўтиб кетди. Ҳовлидаги қадрдон тутимиз ҳам ёшини яшаб, ошини ошаб бўлди. Аммо уни қирқиб ташлаганимиздан кейин ҳам эски шаҳарлик бир уста унинг танасини анча пулга сотиб олиб кетди.

Менинг соя-салқин бир масканда дала боғим бор. Унда меваларнинг барча турлари мавжуд, аммо балх тути йўқ. Бир боғбон дўстимга кўчат экиш мавсуми бошланиш олдидан: «Менга қайдан бўлса ҳам балх тути кўчати топиб беринг», деб илтижо қилдим. Эътиборли қадрдоним илтимосимни бажо келтириб, қайси бир вилоятдан битта эмас, уч туп балх тути кўчати олиб келиб, ўз қўли билан боғимга экиб берди. Беҳад саховат ва мурувват кўрсатган бу олижаноб инсонга миннатдорчиликларим чексиз эди. Мана энди боғимда уч туп балх тут бор. Онамнинг ҳам руҳлари шод бўлгай. Ахир ўша оғир йилларда эшикдан болта-арра кўтариб кирган шафқатсизларга ўз боласини ҳимоя қилаётган қушдай чирқиллаган меҳр-шафқатли онажоним ёдимга тушиб кетди.

Боғимдаги тут кўчатлари йилдан-йилга авж олди. Мен унинг ривожини кунма-кун кутардим. Тўртинчи йил учала кўчат ҳам нишона кўрсатди. Шохларда бўртиб турган кўм-кўк, ҳали майда тут ғўраларига термуламан. Бир неча кундан кейин бироз оқариб, пиша бошлади. Қарангки, меваси бошқача, балх тутга сираям ўхшамасди. Минг афсус-надоматлар бўлсинки, маълум бўлишича экилган кўчат қўноқ тут бўлиб чиқди.

Ҳайронман, наҳотки дўстим мени алдаган бўлса деб. Унақа инсонлардан эмас эди-ку! Ўзи ҳақиқий боғбон, миришкор одамнинг қўлидан бундай номаъқулчилик келмайди, албатта. Қарийб тўрт йил интизорлик билан кутдим, боғимга келган дўстларимга, опа-укаларимга мен балх тут экдим деб мақтаниб, кўз-кўз айладим. Тағин битта эмас, уч туп-а! Изтиробларимнинг чеки йўқ эди, майли бошқа нарсага алдаса ҳам хафа бўлмасдим. Ахир бу умр савдосидек гап-ку! Тўрт йил бекордан бекорга ўтиб кетибди-я!

Юрак ютиб кечга томон дўстимнинг хонадонига йўл олдим. Мени кўриб «Сен ҳам мени йўқлаб келар экансан», деб боғбон хурсанд бўлиб кетди. Ўтказишга жой тополмас эди. Мен бўлсам гўё урушган одамдай унчалик рўйхуш бермайман.

Дастурхон тузамоқчи эди, ишим зарур, деб ўрнимдан қўзғолдим.

— Ахир нимага келган эдингиз, шундан-шунга келиб, бир пиёла чой ҳам ичмай кетаверасизми?

Орқамдан эшиккача чиқди.

— Раҳмат, ўша тутлар балх тути эмас экан...

— Нима?

— Ҳа, қўноқ тут чиқиб қолди, алдашибди сизни ҳам...

— Наҳотки, ахир ишончли одамдан олган эдим-ку!

— Иймонсиз одамлар дунёда топилади, — дедим.

— Мен эртагаёқ жўнайман, виждонсизга кўрсатиб қўяман...

Мен ўз йўлимга кетдим.

Шу йил эрта куз фаслида бир боғбон дўстим ўша уч туп қўноқ тутга балх тути навдасини пайванд этиб берди. Аммо балх тути навдасини ҳеч кимга ишонмай ўзим Юнусободдаги Рустам аканинг хонадонидан олиб келдим. Энди ўша уланган ниҳолларнинг ҳаммаси униб, ривожланмоқда. Ишончим комил, энди боғимда уч туп, ҳа уч туп балх тути албатта бўлади.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Тинчлик Корпуси 1961 йилнинг 1 мартида АҚШ Президенти Жон Ф. Кеннедининг махсус фармойиши бўйича ташкил этилган. Унинг мақсади эса бир-бирини тушуниш орқали турли миллатдаги кишилар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашдан иборат.

Биз ва жаҳон

ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилнинг 4 ноябрида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик Корпуси давлатлараро шартномасига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҳамда АҚШнинг Тинчлик Корпуси билан инглиз тилини тарғиб этишдаги келишувга асосан республикамиз вилоятларидан танлаб олинган қобилиятли ўқувчилар Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасига қарашли «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқариб, инглиз тилини ўрганиш борасидаги малакаларини оширдилар.

Биринчи навбатда 5—15 июль кунлари республикамизнинг вилоятларида 167 нафар бола, иккинчи навбатда 18—28 июль кунлари эса 167 нафар, жами 334 нафар иқтидорли ўқувчилар ҳамда икки навбатда Тинчлик Корпуси кўнгиллиларидан 43 киши ва педагоглардан 206 киши дам олишди. Инглиз тилидаги ўқув машғулотларини юксак савияда ўтказиш борасида баҳамжиҳат, дўстона самимий руҳда иш олиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар касаба уюшма кенгашлари болаларни овқатлантириш, оромгоҳ ходимларининг иш ҳақларини тўлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ва маданий-спорт тадбирлари ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни, шу ҳудудларнинг ҳокимиятлари эса йўл харажатлари ҳамда оромгоҳнинг барча хўжалик харажатлари билан боғлиқ бўлган сарфларни ўз зиммаларига олдилар.

Хулоса қилиб айтганда, касаба уюшмаларининг «Автомобилчи» оромгоҳида Тинчлик Корпуси билан ҳамкорликда олиб борган фаолияти болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Болалар икки навбатда мириқиб дам олишди, — дейди оромгоҳнинг Тинчлик Корпуси томонидан тайинланган раҳбари Бенн Каиберт. — Энг муҳими, биз оромгоҳнинг кундалик ҳаётида фақат ўқув машғулотларига эмас, аксинча жонли эркин мулоқотлар уюштиришга, шулар орқали болаларнинг тил ўрганиш борасидаги билимларини мустаҳкамлаб, уларнинг бир-бири билан яқиндан танишиб, самимий, дўстона муносабатлар ўрнатишига аҳамият бердик.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Юнусобод тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда «Камолот» жамғармаси бўлими томонидан уюштирилган анъанавий спорт ҳафталиги ниҳоясига етди. «Қуёш, ҳаво ва сув» деб номланган ушбу қувноқ ва қизиқарли тадбирда туманнинг барча мавзеларидан келган 300 га яқин кичкинтойлар қатнашдилар.

Соғлом авлод учун

«ҚУЁШ, ҲАВО ВА СУВ»

Маълумки, ҳозир кўпгина мактабларда ҳам спорт-соғломлаштириш лагерлари фаолият кўрсатмоқда. Бир ҳафта давомида тумандаги «Маёқ» ҳавзаси ва «Учқун» спорт мажмуи лагерь тарбияланувчилари ҳамда маҳаллалардан келган болалар билан гавжум бўлди. Тадбир ташкилотчилари мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрган эдилар. Болажонлар беллашувлар дастуридаги ўзлари севиб ўйнайдиган «Ҳосил йиғиш», «Арқон тортиш», «Кенгуру», «Қувноқ стартлар» каби қизиқарли ўйинларда ҳам зўр қизиқиш билан қатнашдилар. Айниқса кичик футбол ўйинларида қатнашувчилар билан бирга кўплаб томошабинлар ҳам тўпландилар. Чунки ўйиндаги барча қоидалар худди катта футболдагидек кўринишда ўтказилди.

— Барча мусобақаларда спорт қўмитамиз мутахассислари ҳакамлик қилдилар, — дейди Юнусобод тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Регина Қамбарова. — Биласизми, бунинг учун фақатгина ҳакамлик билими эмас, сезгир тарбиячилик маҳорати ҳам зарур. Мусобақаларни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида иккинчи марта беллашишни истовчиларга ҳам имконият яратилди.

Хуллас, қизғин мусобақалар ниҳоясида Юнусобод туманининг 2-мавзесидаги «Ҳуснобод» маҳалласи терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. 3-мавзедаги «Юнусобод» маҳалласининг ёш спортчилари ва 4-мавзедаги «Наврўз» маҳалласининг бўлажак олимпиячилари мос равишда иккинчи ва учинчи поғоналардан жой олдилар. Уларга «Камолот» жамғармасининг махсус совринлари топширилди. Умуман, спорт ҳафталигининг ҳар бир қатнашчиси футбол тўплари, ўқув қуроллари, спорт жиҳозлари каби эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СУРАТЛАРДА: «Қуёш, ҳаво ва сув» деб номланган мусобақалардан лавҳалар.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Туманлар йўқламаси:

Миробод

Туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Раҳимбердиева билан бўлган суҳбатимизда у кундалик юмушларга алоҳида урғу берди.

— Муаммолар — кундалик юмушимиз, — дейди у. — Қарс икки қўлдан чиқади. Шунинг учун қўмитамиз туманимизнинг корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларида фаолият юритаётган хотин-қизлар кенгашлари билан ҳамкорликда пайдо бўлаётган муаммоларни бартараф этиш йўлида мунтазам ишламоқдамиз. Айниқса «Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш», «Экология ва аёл», «Аёл, оила ва маҳалла», «Қизларни турмушга тайёрлаш» каби тадбирларимиз яхши натижаларини берди.

— Моҳира опа, айтингчи, уйда ўтирган хотин-қизларимиз, яъни уй бекаларининг муаммолари билан ҳам шуғулланаяпсизларми?

— Туманда яшовчи аёлларнинг иш билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш ва ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида Бандлик хизмати туманда «Бўш иш жойлари» кўргазмасини мунтазам ўтказиб туради. Албатта бу ярмаркада хотин-қизлар учун мўлжалланган иш жойларига аҳамият берилади.

1995 йилда бандлик хизмати томонидан 390 аёл, 1996 йил 5 ойида 210 аёл рўйхатга олинган бўлиб, ўтган йили уларнинг 264 нафарига, бу йилнинг беш ойида 145 нафарига ишга йўлланма берилди. 61 аёл эса нафақа билан таъминланмоқда.

Ишлашни хоҳловчи кўп болали аёлларимиз учун уй шароитида иш ташкил қилиб бериш масалалари ўрганилмоқда. Ҳадемай бу масалалар ҳам очилади.

Биз кўпроқ аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, сиёсий ва иқтисодий онгларини ошириш устида кенг кўламда ишлар олиб бормоқдамиз. Чунки хотин-қизларимизнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнатлари бугунги кун даври учун жуда-жуда муҳимдир. Ёшларни ҳам алоҳида ғамхўрлик билан парваришлашимиз, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришимиз лозим. Қўмитамиз ташаббуси билан туманда ҳоким стипендияси тайин этилди. Бу стипендиялар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сабоқ олаётган иқтидорли талабаларга мўлжалланган. Бугунги кунда туманда 11 нафар талаба «Туман ҳокими стипендияси» совриндори бўлиб, шулардан 4 нафари талаба қизлардир. Булар: Тошкент темир йўл муҳандислари институти 3-курс талабаси Лобар Муҳамедова, Тошкент авиация коллежи 2-курс талабаси Маргарита Мелконян, Боровский номидаги Тошкент тиббиёт ўрта ўқув юрти 2-курс талабаси Азиза Зуфарова, Абдураҳмонов номидаги Тошполитехникум 2-курс талабаси Гулчеҳра Мадаминовадир.

— Тадбирларни амалга ошириш осон бўлмаса керак?!

— Ифтихор билан айтишим мумкинки, туманда 86 та кенгаш бор. Шулардан 39 таси маҳаллаларда ташкил топган хотин-қизлар кенгашларидир. Айниқса, «Сарикўл» маҳалласидаги Ҳурсаной Авазова, Баротхўжа маҳалласидаги Ҳафиза Саидалиева, Ойбек маҳалласидаги Зуҳра Назарова, «Файзиобод» маҳалласидаги Тамара Нурмуҳамедова, Тошкент автомобиль йўллари институтидаги Маъмура Олимжонова, Кимё-технология институтидаги Забаржад Носирова, Индустриал педагогика техникумидаги Зулхумор Рўзиева, «Қизил тонг»даги Ойша Тиллаева, касаба қўмитаси раиси Маъмура Одилова, «Учқун»даги Соҳиба Солиҳова каби раисларимизнинг тиниб-тинчимасликлари, ўз ишларига масъулият ва талабчанлик билан ёндошувлари туфайли ҳам муаммоларга ўрин қолмаяпти. Яқинда яна бир ташаббус билан чиқдик. Тумандаги қаровчисиз жами 170 нафар болани 8 та болалар оромгоҳига жўнатдик. 80 нафари биринчи қабулга, 90 нафари иккинчи қабулга бепул, ҳомийларимизнинг ажратган маблағлари ҳисобига юбордик. Бунга 850 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. «Ўзэлектроаппарат» (бош директори Абдуманнон Алимбоев, касаба қўмитаси раиси Раиса Водовозова), «Папирус» фирмаси (Артьемов), «Тошкочавто» қўшма корхонаси (Ҳикмат Озмаден) каби корхоналар ҳомийлигидан миннатдормиз.

— Моҳира опа, оилаларни тиклаш, арзимас баҳона сабабли ёш турмуш қурганларнинг умидларини сўндирмаслик, аксинча, уларни тўғри йўлга бошлаш ҳам савоб иш саналади...

— Янги тартибга кўра, эндиликда ажрим учун судга ариза берган ёш келин-куёвлар аввал маҳаллага шу каби фикрларини билдиришлари керак. Яъни, суд маҳалланинг қарорисиз уларнинг ажрим тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқмайди. Демакки, хотин-қизлар кенгашларининг ҳуқуқлари кенгайтирилган, айни пайтда уларга жиддий масъулиятлар ҳам юкланади. Албатта бу олиб борилган тадбирлар ажримлар сонини камайтиришга катта хизмат қилмоқда. Масалан, 1994 йили туманда 632 та ажрим, 1995 йил 537 та ажрим қайд этилган. Бу йилга келиб эса, ўтган олти ой мобайнида атиги 178 ажрим қайд этилган, холос. Йилдан-йилга салбий кўринишлар камайиб, яхши томонга ўзгармоқда. Маҳаллаларда тез-тез ҳуқуқ, қонун, оила ва жамият, соғлом авлод ва шунга ўхшаш бугунги куннинг долзарб муаммолари тўғрисидаги суҳбатлар, маърузалар ва йиғилишларнинг натижалари бу. Яқинда Баротхўжа маҳалласида 11-туғруқхона шифокори Турсуной Умарованинг маърузаси тингланди. Савол-жавоблар бўлди. Куни кеча «Истиқлол» маҳалласида болалар учун 174-боғча очилиб, ишга туширилди. Унда 320 га яқин бола тарбияланади.

— Республикамиз мустақиллик айёмини зўр қувонч билан кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқда...

— Шу кунлари биз ҳам юртимизнинг энг улуғ байрами — мустақиллик кунини ёруғ юз, самимий қутловлар билан кутиб олиш мақсадида кенг миқёсда тадбирлар ўтказамиз. Маҳаллаларда яшовчи кўп болали Қаҳрамон оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашамиз. Зиёрат қиламиз. Тегишли совға-саломларимизни улашамиз. Байрамнинг файзли ўтиши учун барча саъй-ҳаракатларни қиламиз.

СУРАТДА: туман хотин-қизлар қўмитаси фаоллари қилинажак ишлар юзасидан фикрлашмоқда.

Аёл — оламни тебратар

КУНДАЛИК ЮМУШИМИЗ

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

● Миробод тумани пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, асосан маъмурий бинолар ҳамда саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари жойлашган бўлиб, аҳолиси турли миллатга мансубдир.

● Жами 130 мингга яқин аҳоли яшайдиган бу туманнинг майдони 3030 гектарни ташкил этади.

● Туманда фаолият кўрсатаётган 3324 та корхона мавжуд бўлса, шундан 99 таси бюджет, 24 таси саноат, 65 таси қурилиш, 27 таси транспорт, 6 таси алоқа, 52 таси савдо, 6 таси маиший хизмат, 4 таси коммунал хўжалик, 230 таси кичик корхона, 47 таси ширкат, 2537 таси масъулияти чекланган жамият, фирма ва қўшма корхоналардир.

● Энг катта корхоналар: «Ўзэлектроаппарат», «Фотон», «Қизил тонг», «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи, «Ўзкимёфарм», «Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги», «Ўзбекистон темир йўллари», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва ҳоказолар шу туманда жойлашган.

● Туманда корхона, ташкилот, муассасалар кўп бўлгани учун аҳолиси ўзўзини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор беради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

10-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1996-97 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

- **Якка буюртмалар бўйича тикувчилар,**
- **Кенг ихтисосли сартарошлар,**
- **Қандолатчилар,**
- **Ошпазлар,**
- **Холодильник тузатувчи усталар.**

БИЛИМ ЮРТИГА 9-11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ЁШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1,2,3 ЙИЛ.

Ўқишга қабул қилинганлар ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, таржимаи ҳоли, 6 дона фотосурат (3х4).

БИЛИМ ЮРТИ МАНЗИЛИ: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани «1/2-Қорақамиш» мавзеси, 2-уй (42, 43-автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб», 10,21,25-троллейбуслар, 18-трамвайнинг охирги «1/3-Қорақамиш» бекатлари).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси
22-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун ўқувчилар

қабул қилади

— КЕНГ МИҚЁСДАГИ ТИКУВЧИ-БИЧУВЧИ — эркаклар, аёллар, болалар ва миллий кийимларни бичиш ва тайёрлаш.

Ўқиш муддати — 9 синфни тугатганлар учун 2 йил.

— ЭРКАКЛАР ШИМИ БЎЙИЧА БИЧУВЧИ-ТИКУВЧИ.

Ўқиш муддати — 11 синфни тугатганлар учун 1 йил.

— ЭРКАКЛАР ШИМИ ВА КЎЙЛАГИ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

— ОШПАЗ ПАЗАНДА.

Ўқиш муддати — 11 синфни тугатганлар учун 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 9-11 СИНФНИ ТУГАТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида стипендияларига яна қўшимча ишлаган ҳақларининг 50 фоизи берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (нусхаси), маълумоти ҳақида аттестат (асли), турар жойи, ота-онаси ҳақида маълумотнома, тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида 286-шаклдаги маълумотнома, 3х4 ҳажмли расм (4 дона).

ЎҚИШ 1996 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатларни қабул қилиш ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 16.00 гача.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18-уй, «Юлдуз» акционерлик жамияти орқасида — 9, 24, 51, 72, 93, 67-автобусларнинг «Олой бозори» бекати.

ТЕЛЕФОН: 34-01-48.

ЛОБАР ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ ТИКУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ХОТИН-ҚИЗЛАР МОДАЛИ КИЙИМЛАРИНИ БИЧИШ ВА ТИКИШ, КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, МОДЕЛЛАШТИРИШ, МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ СИРЛАРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ!

ЎҚИШГА 9 ВА 11-СИНФНИ ТУГАТГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синфни битирганлар 2 йил ўқийдилар.

Улар ҳар ойда 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия оладилар.

11-синфни битирганлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда уларга 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия берилади.

Ўқув ишлаб чиқариш марказини битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разряди ва диплом оладилар.

Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўладилар.

Биздаги пуллик 7 ойлик курслар қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: конструктор-модельерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи уста, машинада кашта тикиш асосларида тикувчи-модельер, ишбилармон.

ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўқув ишлаб чиқариш марказига бош раҳбари номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см), танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086/У).

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, М. Мироқилов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67, 3-автобуслар, 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

Эл соғлиғи йўлида

ЎЗБЕКИСТОН ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ

С. Қ. Исломбеков номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмасининг тарих саҳифаларида шундай жумлалар бор:

«Бу — 1942 йилнинг қаҳратон қишида бўлган эди. Меҳмондўст, бағри иссиқ шаҳарга уруш азобини кечирган турли миллат кишилари кела бошлашди. Ўз уйи ва ерини, қариндош-уруғлари ва яқинларини йўқотган кишилар Ўзбекистоннинг сахий бағридан нон ва бошпана топдилар.

Тошкент ва Ўрта Осиё томон ўнлаб госпиталлар кўчирилди, уларда ярадорлар дардларига шифо топдилар.

Шундай дамларда дори-дармонлар ва боғлаш материаллари жуда ҳам зарур эди. Марказий дорихона омбори ҳузуридаги мўъжазгина гален-қадоқлаш лабораторияси дори-дармонга нисбатан кескин ошиб кетган эҳтиёжни қондира олмасди...

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши шундай шароитда, 1942 йил 9 майда 673-қарор чиқарди. Бу қарор марказий дорихона базасида кимё-фармацевтика заводини қуриш тўғрисида эди.

Уруш йилларида туғилган бу корхона шу кунгача Ўзбекистондаги ягона кимё-фармацевтика корхонаси сифатида кишилар ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя этувчи меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаяпти».

Ҳа, Тошкентнинг ҳар бир меҳмони ва мезбони чинор ва клен дарахтлари чирмашиб яшил оромгоҳ ҳосил қилган, сersоя Т. Шевченко кўчаси бўйлаб ўтиб борар экан, беихтиёр кимё-фармацевтика заводининг кўп қаватли биноларига назар ташлаб қўяди ва унинг димоғига фитин учун хомашё ҳисобланган қовурилган гуруч кепагининг ҳиди янги ёпилган нон бўйи янглиғ келиб урилади. Шу деворлар орқасида одамлар шифобахш дори-дармонлар яратиб дардларига даво топмоқдалар, инсон умрини узайтирмоқдалар.

Яқинда мазкур бирлашма, ҳозирда «Ўзкимёфарм» акционерлик жамиятига айлантирилган корхона бошқаруви раиси Сайдулла Асатов билан суҳбатлашдик.

— Йилдан-йилга иқтисодий шароитимиз яхшиланиб бормоқда, — дейди у. — Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аста-секин ўсиб, бир маромга тушиб бормоқда. Ўтган йили 228 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарган эдик. Бу йилнинг олти ойлик давридаёқ 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Бироқ кўзлаган режаларимиз катта. Муҳими, республикамиз мустақил бўлгач, эркимиз ва ҳуқуқимиз қўлимизга ўтди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз юртимизда ўсадиган шифобахш ўсимликлардан ва бошқа ашёларидан турли хилдаги дори-дармонлар тайёрламоқдамиз. Асосан республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмалари бўйича ишлаймиз. Ўтган олти ойда 23 турдаги дори-дармон ва бошқа ашёлар ишлаб чиқарилди. «Б-12», «Б-1» витаминлари, никотинли кислота, нетрамидазол ва ҳоказолар. Маҳсулотларимизнинг маълум қисмини Россия, Украина, Белоруссия каби республикаларга ҳам маҳсулот айирбошлаш йўли билан чиқараяпмиз. Хуллас, иш ҳам кўп, режа ҳам.

Асосий мақсадимиз халқимизнинг дори-дармонга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, касаллик аломатлари сезилгандаёқ олдини олиш. Шу ўринда ривожланган мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик ишларини олиб бораяпмиз.

СУРАТЛАРДА: «Ўзкимёфарм» акционерлик жамияти ҳаётидан лавҳалар: корхона маҳсулотлари; қадоқлаш цехи илғори Шоиста Набуханова (ўртада) ва машинист Нина Антошкина (пастда).

Соғлом авлод учун

МУНОСИБ ТУҲФА

Яқинда «Истиқлол» маҳалласида янги боғча фойдаланиш учун топширилди.

— Мазкур 174-болалар боғчаси очилишини шу маҳаллада истиқомат қилаётганлар кўпдан бери кутаётгандилар, — дейди боғча мудираси Муҳтарам Йўлчиева. — Туман халқ таълими бўлимида ҳам навбатда турганлар 60 нафарни ташкил этади. Ана шу навбатда турганлар ҳамда узоққа қатнаётганлар эндиликда фарзандларини шу ерга топшириб, кўнгилларини хотиржам қиладилар. Кўриб турганингиздек, боғча замонавий қурилган, жиҳозланган бўлиб, ҳар қандай ота-онада ҳам яхши таассурот қолдиради. Спорт зали, ҳавзалар (ички, яъни қишкиси ҳам бўлади), ўқув хоналари шинам ва рисоладагидек безатилган. Тарбиячиларнинг ўзлари хоналарини болаларнинг диди ва руҳиятига мос қилиб безашмоқда. Жами 320 болага мўлжалланган. Дарвоқе, бу ерда тарбияланажак болаларга инглиз тили чуқур ўргатилиши кўзда тутилган. Яқинимизда 294-мактаб бор. Мактабда инглиз тили чуқур ўргатилади. Мақсадимиз — инглиз тилини боғчадан ўргатиб борсак, кейин улар мактабда қийналмайдилар, аксинча, янаям мукаммаллашадилар.

— Инглиз тилига ихтисослашган боғча бўларкан-да?!

— Йўқ, бу боғчада асосан «Соғлом авлод» дастури бўйича махсус тарбия ишлари олиб борилади. Ҳозирданоқ ишга қабул қилаётган тарбиячиларни танлаб олаяпмиз. Бизга шунчаки ишлайдиган эмас, балки ташаббускор, айни пайтда меҳнатсевар, ўз касбини севиб ардоқлайдиган тарбиячилар керак. Негаки боғчамиздан учирма бўлажак ҳар бир ўғил-қиз жисмонан бақувват, ақлли, зукко ҳамда инглиз тилини яхши биладиган бўлишлари керак. Ҳа, зиммамизда масъулиятли вазифа турибди.



СУРАТЛАРДА: фойдаланишга топширилган янги боғчада.



Қайта таъмирланаётган «Миробод» бозорида.

Миробод туманига бағишланган туркум мақолаларни Зоир ТУРСУНОВ тайёрлади, суратларни Рустам ШАРИПОВ тасвирга туширди.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-08-74.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0432. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 5.715 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.